

ЗАМОНАВИЙ МАСЖИДЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ВА
АРХИТЕКТУРАСИННИГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ, БЕЗАКЛАРИ ВА
УЛАРГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАРИ

А.Н. Султанов

мустақил тадқиқотчи

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети

akram2244@mail.ru.+998979162244

Аннотация. Мақолада замонавий масжидларнинг типологияси, архитектураси, безаклари ва уларга қўйилган меъморий ва шаҳарсозлик талабларини аниқлаш бўйича муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Калит сўзлар: замонавий масжидлар типологияси, безакларнинг тарихий шаклланиши, шаҳарсозлик талабларига хос хусусиятлар, замонавий масжидлар безаклари ва архитектурасини ривожлантириш.

Аннотация. В статье описываются результаты проведенного автором исследования по определению типологии, архитектуры и украшении современных мечетей.

Ключевые слова: типология современных мечетей, историческое формирование их украшений, особенности градостроительных требований, развитие украшений и архитектуры современных мечетей.

Annotation. The article describes the results of the research conducted by the author to determine the typology, architecture and decoration of modern mosques.

Key words: the typology of modern mosques, the historical formation of their decorations, the features of urban planning requirements, the development of decorations and architecture of modern mosques.

Кириш. Замонавий масжидлар архитектурасида шаклланаётган етакчи анъаналарни аниқлаш мақсадида тарихий масжидлар архитектурасига хос хусусиятларга ҳам тўхталиб ўтилиши ва уларнинг асосан қуидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

яратилган масжид биноларининг маҳаллий қурилиш материаллари ва иморатсозлик анъаналари асосида шакллантирилиши;

аксарият масжидлар, айниқса, жоме масжидларининг меъморий-режавий ечимларида асосан икки хил: 1) йигноқ (ихчам) ички залли айвонли композиция; 2) бўйлама ўққа нисбатан симметрик ички ҳовлили композиция-ларнинг қўлланилиши. Биринчи хил масжидларда айвонлар

бинонинг ташқа-рисига, бир, икки ёки уч тарафига қаратилган бўлади. Иккинчи хил масжидларда хоналар ва айвонларнинг ички ҳовлига қаратилиши кузатилади;

масжид хоналари таркибида қишиги ва ёзги: ёпиқ хоналар (қишиги хона-қох), ярим ёпиқ (айвон) ва очик (ҳовли) нинг шакллантирилиши;

масжидларнинг минораси, гумбази, меҳроби, минбари, курсиси, кириш қисми (дарвозаси) ва меъморий тугалланиш қисмларининг бўрттирилиб қўрсатилиши, меҳробнинг қибла томонга қаратилиши;

масжидларнинг меъморий шакллари, қисмлари ва элементлари (қишиги хонақоҳлар, айвонлар, минора, меҳроб, ҳовли, дарвозахона) орасидаги меъ-морий яхлитлик ва ҳандасавий мутаносиблик (ҳамоҳанглиқ)ни, бир сўз билан айтганда, меъморий уйғунликни таъминлашга харакат қилинганлиги;

масжид ташки тарзи ва ички кўринишларининг ўзига хос гирих, ислимий, ёзувий безаклар, шарафалар, муқарнаслар ва бошқа нақшин-нигорлар ҳамда ранглар жилоси билан уйғунлаштирилганлиги;

масжидларнинг, айниқса, жоме масжидларининг аҳоли энг қўп тўплана-диган ва зич жойлашган (регистонлар, мадрасалар, бозорлар қошида ва бошқа нуфузли) жойларда курилганлиги ва жойлаштирилганлиги;

баъзи тарихий масжидларнинг бошқа жамоат бинолари (масалан, тарихий мактаб ва хонақоҳлар) билан симбиоз тарзда қурилганлиги;

масжидлар атрофининг ободонлаштирилиши ва қўкаlamзорлаштирилиши.

Бу хусусиятлар асрлар оша ривожланиб, замонавийлашиб келган ва келмоқда. Уларнинг аксарияти замонавий масжидларга ҳам хосдир.

Ҳозирда қурилаётган аксарият масжидлар архитектурасида Ислом дини анъаналарининг масжидларга қўйган энг асосий қоидавий талабларига амал қилинмоқда. Улар қуидагилардан иборат: масжид саждагоҳи меҳробини қиблага қаратиш, масжид биноси қошида минора ўрнатиш, масжид ҳудудини атроф мухитдан девор ёки тўсиқ билан ажратиш, масжид ҳовлисига киришда дарвоза ўрнатиш, саждагоҳ (асосий зал) томини гумбазлар билан ёпиб бўрттириш, ёз пайтида жамоа бўлиб намоз ўкиш учун жоме масжиди ҳовли-сида текис майдон ва айвонларни шакллантириш, имом ва масжид ходимлари учун хоналар, намозхонлар учун таҳоратхона ва ҳожатхона қуриш.

Асосий қисм. Мақолада замонавий масжидлар типологияси Ўрта Осиё минтақасида ўтмишда кенг тарқалган гузар, жума, жоме ва намозгоҳлардан фарқли ўлароқ энди анча қисқарган қўринишда: гузар (маҳалла) ва жоме

масжидлари тарзида шакллангани, аввалги жума ва намозгоҳ масжидларининг функциялари ҳозирда жоме масжидларига юқлатилгани аниқланган.

Дунё архитектурасидаги ўзгаришлар хорижий Ислом Шарқи мамлакатлари масжидларида ҳам кузатилмоқда. Масалан, Малайзияда қурилган янги жоме масжидларининг подвал қаватида улкан супермаркет ва майший хизмат кўрсатиш функциялари жойлаштирилиб, масжидга келган намозхонларга қулай шароитлар яратилган, яъни масжид биноси шаҳар ахолисининг йирик ижтимоий–диний маърифий марказига айлантирилган. Унда 4 та баланд минора ишланган бўлиб, улар нафақат узоқдан ориентир (мўлжал) вазифасини, балки 5 вақт намознинг вақтини ҳам ўзидан овоз чиқариб айтадиган улкан соатларга айлантирилган.

Кейинги йилларда хорижий ислом ва баъзи ЕвроОсиё мамлакатлари (Туркия, Ливан, Қатар, Германия, Хорватия, Татаристон ва бошқалар) да масжид архитектураси замонавий стиллардан қурила бошланди, баъзи масжидларда ибодат зали улкан гумбаз (оболочка) шаклида, бир, баъзида икки, хатто уч миноралик ихчам композицияда қурилган. Чеченистоннинг Аргун шаҳридаги 2014 йилда қурилган “Она юраги” деб аталган Айман Кадиров номидаги масжид Россиyaда илк бор хай–тек (high-tech) стилида қурилган (*1-расм*). Унинг ташки кўриниши улкан мусулмон салласини эслатади. Ибодат зали ушбу салласимон гумбаз остида жойлашган. Гумбаз сирти тўлиғича исломий тилло суви орнаментлари билан безатилган.

Хорватияда 2013 йилда қурилган масжид комплекси

таркибига ибодат залидан ташқари мактаб, кутубхона ва ислом маданияти клуби ҳам киритилган. Комплекс композицияси икки элементдан: улкан антиқа гумбаз ва спиралсимон минорадан иборат. Саудия Арабистонининг Эр-Рияд шаҳрида ҳам хай–тек стилида, ҳажмий ечими тўртбурчак улкан призма ва унинг ёнидаги тик минора кўринишидаги масжид биноси қурилган (2015й). Призма тарзлари ойнали, “машрабия” безакли



1-расм. Чеченистондаги “Она юраги” деб аталган Айман Кадиров номидаги хай–тек услубида қурилган масжид.

панжаралар билан, масjid ички деворлари ва шип перфорировий экранлар билан қолланган.



2-расм. Стамбулдаги Мармар университети Теология факультетининг масжиди

Истамбулдаги Мармар университети Теология факультетининг “Мармара Илахият” масжиди (2015й.) Туркияning классик Усмон архитектураси анъаналари асосида, бироқ замонавий технологияларни қўллаб қурилган. Диаметри 35 метр, полдан баландлиги 35 метр бўлган ибодат зали усти Туркияга хос наутилус чиганоғи (раковина) шаклидаги гумбаз билан ёпилган (2-расм). Гумбаз конструкцияси тўлалигича пўлатдан ишланган. Гумбаз остида жами 4500 намозхон сифадиган 2 та ибодат зали жойлашган. Ушбу масжид 4 қаватлик бўлиб, унинг катта қисми ер остида жойлашиб, у ерда автопарк, ўқув синфлари, маъруза заллари, конференц–зал ва магазинлар жойлашган. Масжид биносига стиллаштирилган икки баланд минора туташтирилган. Масжид заллари томдан ва деворлардаги панжарасимон ойналардан ёруғлантирилган.

Хориж давлатларидағи замонавий масжидлар архитектураси асосан тўрт хил ижодий йўналишларда яратилаётганлиги аниқланди:

- ушбу мамлакатларга хос анъанавий масжидлар архитектурасини қўллаган ҳолда;

- ушбу мамлакатлардаги анъанавий масжидлар архитектурасидан фойда-ланиб, бироқ замонавий технологияларни қўллаган ҳолда;

- ушбу мамлакатлар тарихий масжидлари архитектурасига хос бўлмаган, буткул янги замонавий стилллар (масалан, хай–тек ва бошқа) ижодий йўна-лишларда;

масжид биноси таркибига ўтмишда унга хос бўлмаган янги функциялар (конференц зал, кутубхона, маъруза зали, ўқув синфлари, мактаб, ислом маданияти клуби, музей, магазин ва бошқалар)ни киритиб, уларни диний-маърифий комплекс тарзда лойиҳалаш ва қуриш.

Кейинги йилларда ушбу ижодий йўналишлардан иккинчи ва учинчи йўналишлар етакчилик қилмоқда.

Самарқанд яқинидаги қайта Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи таркибида ҳам масжид биносидан ташқари, диний маданият кутубхонаси, музей, китоб ва бошқа диний адабиётлар дўкони, масжид қошида эса мадраса, кутубхона, масжидлар зали, ётоқхона, меҳмонхоналар ташкил этиш мўлжалланган. Бир сўз билан айтганда, ушбу масжид-зиёратгоҳни Самарқанд вилоятидаги энг йирик диний-маърифий марказга айлантириш ва уни шундай нуфузли марказнинг барча замонавий функцияларига тўлиқ мослаштириш кўзда тутилган.

Кейинги ўн йиллик давомида масжидсозлик тажрибасида бир қатор миллий анъаналарни ўзига сингдирувчи ранг-баранг (гулдор), нақшинкор, замонавий пардоз материалларни қўллаш йўналиши юзага келди.

Замонавий масжидлар интеръерида меҳробнинг улуғворлигига катта эътибор қаратилган. Илк масжидларда меҳроблар рангда оддий нақшлар билан безатилган бўлса, сўнгра масжидларнинг жойлашган худуди ва мав-қеидан келиб чиқиб, безаклар қўлланилган. Биринчи масжидларда меҳроб композицияси, бир-биридан кичрайиб борган бир нечта равоқлардан ташкил топган. Ичкаридаги равоқ чуқурроқ ва кичкина бўлган. Меҳроб бурчаклари декоратив устунчалар билан безатилган.

Замонавий масжидлар интеръерида Минбар ҳам асосий ролни эгаллайди. Минбарлар уч ёки кўп поғонали зина шаклида бўлиб, юқоридаги поғона ўриндиқ вазифасини бажарган. Унинг уч томони ёғоч суюнчиқقا эга.

Одатда, гузар масжидлари бир минорали бўлади. Жўума масжидлари гузар масжидларига нисбатан меъморий ўлчамлари ва мавқеи жиҳатидан катталиги боис, агар улар тарҳи бўйича жуда ихчам, йифноқ қурилган бўлса битта баландроқ минорага, бордию ички ҳовлили, каттароқ, кенгроқ тарзда қурил-ган бўлса, минораси иккита бўлиши мумкин. Агар масжид жомъе макомида қурилса, у шаҳарда ягоналиги учун, албатта, ички ҳовлили, мақсурали, баъзида бир нечта дарвозали ва пештоқли, катта ўлчамда, кўп ҳолларда тўғри тўртбурчакли тарҳда ёзги ва қишихи хонақоҳлар, айвонлар билан қуриладики, шунга яраша унинг миноралари сони ҳам кам деганда иккита ёки тўртта бўлиши мумкин. Бундай пайтда миноралар масжиднинг тўрт бурчагида жойлашади ва улардан иккитаси баландроқ қилиниб,

масжид бош пештоқи томонида бўлишлиги одатдандир. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, масжидда миноралар сони камидан битта (гузар масжиди), жума масжидида иккита, жомъе масжидларида эса тўрттагача бўлишлиги мумкиндири. Ҳозирда айрим гузар масжидларига минора қўйилмаябди. Бу нотўғри, чунки унутмаслик керакки, минора ҳар қандай масжиднинг таркибий қисми, атрибутидир. У масжидда нафакат функциявий рўл ўйнайди, балки юқорида ёзганимиздек, муҳим рамзий ва ориентир маънога ҳам эгадир.

Замонавий масжидлар архитектураси ва безакларини шакллантиришдаги илғор анъаналар қуйидагилардан иборат:

бино архитектурасидаги салобатлилик, яхлитлик, бош фасаднинг симметриявий композицияда бўлишлиги;

масжид меъморий–ҳажмий композициясида ибодат зали, масжид гумбазлари ва миноралар архитектурасининг етакчилик қилиши;

ибодат зали интерьерига хос фазовийлик, меҳроб, гумбаз шакли ва гумбаз ости ечимининг меъморий–бадиий бўрттирилиши;

масжид безаклари ва нақшларида гирих, ислимий, ёзувий, қундал ва муқарнасларнинг қўлланилиши;

масжид биносининг тагкурси устига қурилиши, бинога кириш эшиклари, тарзи ва бадиий тугаллик ечимларининг меъморий етакчилиги ва уйғуники;

масжидлар биноси таркибига қўшимча функцияларнинг киритилиши, масжидларда намозхонлар сонининг ошиб бориши.

Намозхонларнинг масжидга хусусий транспортларида келиши масжидлар биноси худудида замонавий автотурагоҳларни ташкил этишни тақазо этмоқда.

Хулоса. Масжидлар минорасининг сони биттадан кам бўлмаслиги ҳаммага аъёндир. Миноралар сони биттадан кўп бўлишлиги, бу масжиднинг мавқеига, унинг маҳалла гузар масжидими, жума масжидими ва, ниҳоят, жомъе масжидими эканлигига боғлиқдир. Ҳозирда қурилаётган аксари масжидларда бу масалага жиддий эътибор берилмаётир ёки масала етарлича ечилмаган. Айрим масжидлар магистрал кўчаларга жуда яқин қурилган бўлиб, автотурагоҳлар етарлича ва тўғри ташкил этилмаганлиги сабаб, кўчалардаги транспорт ҳаракатига ҳам ҳалакит бермокда. Бунинг сабабларидан бири мазкур масала бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларнинг йўқлигидир. Мазкур мақолада ушбу муаммони ечиш бўйича меъёрий тавсиялар (масжид биноси худудининг бош режаси, ундаги автотурагоҳлар жойи, жойлашиш схемаси ва сони, автотурагоҳлар сонини ҳисоблаш масаласи) ишлаб чиқилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Султанов А.Н., Уралов А.С. MODERN TRADITIONS OF DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF MOSQUE ARCHITECTURE. // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol 12, Issue 4, April 2022. India.
2. Уралов А.С., Султанов А.Н. Тошкент шаҳри учун мўлжалланган пайғамбаримиз Муҳаммад расулиллоҳ (с.а.в.) номидаги бош жоме масжидининг лойиҳаси ҳақида.//«Меъморчилик ва қурилиш муаммолари» (илмий–техник журнал). 2022 йил, 4-сон (1-қисм), 96-99 бетлар, СамДАҚУ.
3. Султанов А.Н., Уралов А.С. Ўрта Осиёда замонавий масжидлар архитектурасини шакллантиришда исломий анъаналардан фойдаланиш.//“Архитек-тура, қурилиш ва дизайн илмий–амалий журнали” vol. 17, issue 1, mart 2022. 112-115 бетлар. ТАҚИ.
4. Султанов А.Н. Масжид биноларининг функциявий типологияси.//“Замона-вий тадқиқотлар, инновациялар, техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш тенденциялари” Илмий–техник анжуман матери-аллари. ЖизПИ. 471-475 бетлар, 2022, 2-қисм, -Жиззах.
5. Уралов А.С., Султанов А.Н. Масжидлар архитектурасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг замонавий анъаналари.//“Меъморчилик ва қурилиш муаммолари”. Илмий–техник журнали.–Самарқанд, 2022. 2-сон. 48–52 бетлар.
6. Султанова Д.Н., Султанов А.Н. Монументал биноларнинг экстеръерлари эволюциясида бадиийлик.//“Марказий Осиёда дизайнни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий–назарий анжумани. 2007 йил 7–ноябрь, 98-101 бетлар, МРДИ –Тошкент.